Сарқып өзине жетти.
Қош жүректен оқ тийип,
Өкпесинен тесип өтти,
Уәлийдиң келип айтқаны,
Шекаманның әжели жетти [9:144-145].

Дәстанда кемпирдиң қарғысы себепли ғазлар мергенлердиң оғынан аман өтеди ҳәм Алпамыстың жазған хатын қарындасы Қансулыўға жеткереди. «Мәспатша» дәстанында да ата-ананы ҳүрмет етиў, олардың қарғысынан қорқыў кереклиги уқтырылады. Мысалы, Айпаршаның тилинен мынадай сөзлер айтылады:

Ата тилин алмағанның,
Айтқан сөзи болмайды…
Қылған иси оңбайды,
Сөзи сынса атаның,
Тилеги қабыл болмайды,
Ата қарғысын алғанның
Халық ишинде шықпас аты,
Басына қыйын ис түсип,
Таўсылмайды азасы [6:73-74]

Парапсихологлардың мағлыўматларына қарағанда, қарғыс сөзлер күшли эмоция ҳәм ҳәр қыйлы ым-ишара менен айтылады. Сөзде энергия болғанлығы себепли өзиниң терис энергиясы екинши адамның биомайданынан орын алады, тәбийий қуўат қорғаныўын күшсизлендирип, күш денесин тесип өтеди [10:61]. Усы әмелий ҳәм илимий жақтан дәлилленген ҳақыйқатлық, яғный қарғыстың жаман ырым екенлиги «Алпамыс» дәстанында да өз дәлилин табады.

Жуўмақлап айтқанда, дәстанлардың композициясында сәўлеленген ҳәр қыйлы халықлық исенимлер менен көзқарасардың, инаным ҳәм ырымлардың ўақыя баянында тутқан орнын ҳәм хызметин үйрениў арқалы, халық тарийхын, этнографиясын ҳәм ең тийкарғысы дәстанлардың мазмун-мәнисин терең ашыўға ерисемиз.

**Әдебиятлар**


1. Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. Том. XVII. «Шийрин-Шекер», «Жаскелен», «Ер Қосай», «Ҳажы-Гирей». – Нөкис, «Қарақалпақстан», 1987. 2.Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. 1-том. «Шәрьяр» дәстаны. – Ташкент: «Маънавият», 2009.
3. Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. Том. VIII. «Қоблан». – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1982.
4. Әбдиев А. Қарақалпақ ырымлары. – Нөкис: 2014.
5. Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. Т. XIII. «Шәрьяр». – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1984.
6. Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. Том. X. «Мәспатша». – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1982.
7.Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадияти. – Тошкент: «Истиқлол», 2006.
8. Саримсоқов Б.И. Ўзбек маросим фольклорининг жанрлар состави: генезиси ва поэтикаси. Филол. фан. докт. диссертацияси. – Тошкент: 1987.
9. Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық. Т. VII. «Алпамыс». – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1981.
10. Алисултанова Н. Чингиз Айтматов асарларида фольклоризмлар типологияси. Филол. фанл. бўйича философ. доктори диссертацияси. – Тошкент: 2021.



**РЕЗЮМЕ.** Ушбу мақолада қорақалпоқ халқ достонлари композициясида қадим даврларга хос мифологик қарашлар, ҳар хил эътиқодлар ва иримларнинг сюжетни ривожлантириш, чигаллаштириш, воқеа йўналишини ўзгартириш ва бошқа ҳолатларни юзага келтиришда эпик характер эгаллаши ҳақида сўз юритилади. Улардан сафар ойида йўлга чиқмаслик, сафарга чиқишда нон олиб юриш, олқиш олиш ва қарғиш сўзлар билан боғлиқ воқеалар мисоллар билан илмий талқин қилинади.

**РЕЗЮМЕ** В данной статье рассматриваются мифологические взгляды, различные верования и приметы в композиции каракалпакских народных эпосов, говорится об их эпическом характере в развитии и обогащении сюжета, изменении хода событий и других явлений. Некоторые из подобных верований это месяц «сафар», в течение которого нельзя отправляться в путь: в случае похода нужно взять с собой хлеба; слова благословления или проклятия. В статье посредством примеров с научной точки зрения проанализированы события и явления, связанные с этими верованиями.

**SUMMARY.** This article discusses mythological views, various beliefs and superstitions in the composition of the Karakalpak folk epics, talks about their epic character in the development and enrichment of the plot, the change in the course of events and other phenomena. Some of these beliefs are the month of "safar", during which one cannot travel; in case of a hike one needs to take bread with himself; words of blessing or damnation. The article analyzes the events and phenomena associated with these beliefs from a scientific point of view by means of examples.


# SHE’RIY TARJIMADA RADIFNI AKS ETTIRISH MUAMMOLARI


**F.D.Sapayeva –** *filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori*
*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*



**Tayanch so‘zlar:** she’r, radif, tarjimon, tarjima, she’riy takror, bayt va band, ma’no, shakl va mazmun, so‘z, radifli she’r, radifsiz tarjima qilish, matn, shoir, Maxtumquli, turkman tili, o‘zbek tili.

**Ключевые слова:** стихотворение, радиф, переводчик, перевод, поэтическое повторение, строфа и пункт, смысл, форма и содержание, слово, стихотворение с радифом, перевод без радифа, текст, поэт, Махтумкули, туркменский язык, узбекский язык.

**Key words:** poem, radif, translator, translation, poetic repetition, verse and clause, meaning, form and content, word, radiff poem, translation without radif, text, poet, Makhtumkuli, the Turkmen language, the Uzbek language.


Hozirgi ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarning yangi bosqichida adabiyotning jamiyat taraqqiyotidagi o‘rni, ayniqsa, adabiy aloqalar va badiiy tarjimaning yosh avlod ma’naviy-axloqiy, intellektual tarbiyasidagi roliga alohida e’tibor berilmoqda. Natijada, milliy madaniyatimizning ajralmas qismi hisoblangan badiiy adabiyotning millat ongi va tafakkurini yangilashda tarjima muhim ahamiyat kasb etuvchi manba ekani haqidagi tushunchalar barqarorlashdi. Binobarin, “hozirgi paytda hammamizning oldimizda juda muhim ahamiyatga ega bo‘lgan masala, ya’ni kitobxonlikni keng yoyish va yoshlarimizning kitobga bo‘lgan muhabbatini, ularning ma’naviy immunitetini yanada oshirishga qaratilgan ishlarimizni yangi bosqichga olib chiqish vazifasi turganligi” [1:47] ham badiiy adabiyotning, xususan tarjima asarining g‘oyat muhim ijtimoiy vazifa bajaruvchi qadriyatlar tizimi ekanini ko‘rsatadi. Shunga ko‘ra, o‘zbek tarjimashunosligida qardosh tillardan tarjima qonuniyati va tamoyillarini maxsus ishlab chiqish, turkman shoiri Maxtumquli she’rlarining bir necha tarjimonlar ijodi misolidagi qiyosiy tadqiqini, xususan, she’riy tarjimada janriy muammolarni tadqiq etish bugungi o‘zbek tarjimashunosligining istiqbolli yo‘nalishlaridan biridir.

Ma’lumki, she’riy takrorning bir ko‘rinishi bo‘lgan radif zimmasiga katta-kichik ko‘plab vazifalar yuklangan: u bayt va bandlarni o‘zaro bog‘lab, she’riy yaxlitlikni vujudga keltiradi; ma’noni kuchaytirishga xizmat qiladi; ohangni ro‘yobga chiqarishda faol ishtirok etadi. “Radif ko‘p hollarda shoirning asosiy muddaosini bildirib, takrorlanib kelishi natijasida (naqoratday) fikrni ta’kidlab, kuchaytirib beradi... Shoirlar radif tanlashdan oldin bu so‘zning o‘z maqsadlariga qanchalik muvofiq kelishiga e’tibor berganlar. Radif-so‘zning chiroyli jaranglashi, vaznga tushadigan bo‘lishi ham hisobga olingan” [2:211]. Shuning uchun she’rning ta’sirchanligi va jarangdorligini oshirishda, ma’noni kuchaytirishda radifning roli beqiyos. “Ko‘pincha baytdagi fikrning asosiy yuki shu poetik element zimmasiga tushadi, shoirlar fikrda nimaga ko‘proq urg‘u bermoqchi bo‘lsalar, o‘sha so‘zni radifga oladilar” [2:211]. Lekin uni tarjimada aks ettirishning hamisha ham iloji bo‘lavermaydi. Natijada ko‘pincha uning mazmuni misralar qatiga singdirib yuboriladi. Saqlab qolinganda esa hamisha ham muvaffaqiyatli chiqavermaydi: yo o‘quvchiga tushunarsiz, yo asliyatga nomunosib so‘zlar qo‘llanadi. Bu esa she’r mazmunini xiralashtiradi, jarangdorligini tushirib,

ta'sirchanligini yo'qqa chiqarishi mumkin. "Radifni berish tarjimon uchun jiddiy qiyinchilik, qolaversa, ba'zan hal qilib bo'lmaydigan chigalliklar tug'diradi. Shu sababli ayrim tarjimonlar uni aks ettirmaydilar. Holbuki, radif she'rda faqat shakliy bezak emas, balki u katta ma'no tashiydi, asarning ta'sir kuchini, she'rning jarangdorligini oshirishga xizmat qiladi" [3:193].

N.Komilov, S.Olimov, E.Ochilov kabi tarjimashunoslarning she'riy asarlar tarjimasida radifni aks ettirish bilan bog'liq tadqiqotlaridan ma'lum bo'lishicha, tarjima amaliyotida radif tarjimasining quyidagi usullari mavjud: [4:144-220].

1. Radifni tarjima qilmay, aynan ko'chirish. Buning uchun radif bo'lib kelgan so'z tarjima tilida ham mavjud bo'lishi va asliyat tilidagi ma'noni ifodalashi lozim bo'ladi – faqat shundagina uni "tarjimasiz" tarjima qilish mumkin. Ayni jihatdan, bu usulning qo'llanish doirasi birmuncha cheklangan [5:141]. Yaqin tillardan va leksik umumiyligi ko'p bo'lgan [6:144] tillardan tarjimada bu usul qo'l keladi.

2. Radif bo'lib kelgan so'z yoki so'z birikmasini tarjima orqali berish. Bu usul barcha tillar, xususan, uzoq tillardan tarjimada ko'p qo'llanadi.

3. Asar ichida kelgan boshqa bir so'zni radifga chiqarish yo'li bilan tarjima qilish. Chunki radif sifatida qo'llangan so'z yoki so'z birikmasi barcha baytu bandlarga ham birday muvofiq tushmasligi mumkin. Bu holda she'rning umumiy ruhiga muvofiq keladigan va uning yaxlitligini ta'minlashga xizmat qiladigan boshqa so'z (yoki so'zlar) radifga chiqariladi.

4. Radifli she'rni radifsiz tarjima qilish. Chunki boshqa tilda radifni aks ettirishning hamisha ham imkoni topilmaydi. Bunday holda tarjimonlar radif ifodalagan ma'noni asar ichiga singdirib yuboradilar.

5. Radifsiz she'rni radifli qilib tarjima qilish. She'riy tarjima amaliyotida oz bo'lsa-da, ayni usul ham uchrab turadi. O'z-o'zidan, bu tarjimaning muvaffaqiyatiga xizmat qiladi.

6. Radif bo'lib kelgan so'zlarning bir qismini aynan qoldirib, bir qismini tarjima qilib olish. Bunda radifni tashkil etgan so'zlarning bir qismi tarjima o'quvchisiga ham tushunarli bo'lganligi uchun aynan ko'chirilib, tushunarsiz qismi tarjima qilinadi.

7. Tarjima o'quvchisiga tushunarli-tushunarsiz ekanligidan qat'i nazar radifni aynan qoldirish.

Maxtumquli she'rlari tarjimasida radif tarjimasi bilan bog'liq ushbu usullarning barchasini uchratish mumkin. Yaqin tillardan tarjimada radif ko'pincha muammo tug'dirmaydi, chunki radif bo'lib kelgan so'z yoki ibora tarjima tilida ham mavjud bo'ladi. Shunga qaramay, ba'zan muayyan tilning o'zigagina xos so'zlar radifga olinadiki, ularni tarjima tiliga aynan o'tkazish matnning tushunarsiz bo'lishiga olib keladi. O'z-o'zidan, o'zbek va turkman tillari yagona oilaga mansubligi va o'zaro yaqinligidan radiflar asosan aynan ko'chgan, lekin tarjimonlar bu imkoniyatni ba'zida suiiste'mol qilib, sof turkmancha, o'zbek o'quvchisiga notanish so'zlarni ham tarjimasiz qoldiradilar. Shoir she'rda o'zi urg'u bergan so'zni radifga chiqarishini hisobga olsak, radifki tushunarsiz bo'lgach, she'rning mohiyati va asosiy g'oyasi ham o'quvchiga yetarli darajada ochilmay qoladi. Masalan, Maxtumquli ijodida "do'ndi" (aylandi), "belli" (belgili, ma'lum) so'zlari radif bo'lib kelgan bir qator she'rlar borki, ular tarjimasida bu turkmancha so'zlarning radif holida aynan qoldirilishi o'zini oqlamagan. Jumladan, J.Sharipov "do'ndi" radifli ikkita she'r tarjimasida mazkur so'zni aynan qoldirgan. Tarjimonning bu ishi G'.Salomov tomonidan ham tanqid qilingan edi:

"Do'ndi" she'rining nomidanoq izoh boshlangan: bu *aylandi, o'tdi, bo'ldi* degani ekan [7:133]. Demak, uni – *o'zbekchalashtirish* kerak, vassalom. Ehtimol, bu she'rga "*aylandi", "o'tdi", "bo'ldi*" so'zlari mos kelmas. Bunday taqdirda izlanishni yana davom ettirish, muqobil va muvofiq so'z topmaguncha qo'ymaslik kerak. Butun boshliq o'zbek tilidan turkmancha bitta "do'nmoq" so'zining ma'nosini qoplaydigan kalima topilib qolar...

*Asliyatda:* Тылла тагтда *гапылар,*
Дөвүр айланып япылар,
Ишан, молла, пир, сопулар,
Илата азара дөнди [10:1, 240].

*Tarjimada:* Tilla taxtida *qopilar,*
Davr aylanib yopilar,
Eshon, mulla, pir, so'filar
Elatga ozora do'ndi [9:133].

*Qopilar* so'zi "*eshik*" ekanligi aytilib, to'rtinchi misraga bus-butun – "*Elga ozor berguvchiga aylandi*" deb izoh beriladi" [7:73-74].

E.Ochilov mazkur she'r tarjimasida "do'ndi" so'zini "bo'ldi" deb oladi va sof o'zbekcha tarjima yaratadi:

Tilla taxt sari eshiklar,
Zamonlar o'tib bekilar,
Eshon, mullayu so'filar
Elat uchun ozor bo'ldi [12:464].

"*Nodon falakdan*" she'rining oltinchi bandida "*dөndi" – "do'ndi*" so'zi radif bo'lib kelgan:

*Asliyatda:* Бизиң гөрен достлар авара дөнди,
Баш апаран эрлер бичәрә дөнди,
Йөргүр арап атлар, гөр, хара дөнди,
Гымматы айрылып, яман пелекден! [10: 2,97]

J.Sharipov uni "bo'ldi" deb oladi. Dastlabki ikki misrada o'zini oqlagan bu radif uchinchi misrada muvofiq kelmay qolgan:

Ko'zim ko'rgan do'stlar ovora bo'ldi,
Bosh ko'targan erlar bechora bo'ldi,
Chopqir arab otlar, ko'r, xora bo'ldi,
Qimmatdan ayrilib, yomon falakdan [9:342].

Uchinchi misrada "xora bo'ldi" emas, "xor bo'ldi", "xorga aylandi" bo'lishi kerak. Buning uchun esa avvalgi ikki misradagi qofiyani almashtirish kerak. Bundan tashqari, "qimmatdan ayrilib" iborasi muvaffaqiyatli chiqmagan – uni "bahosi tushib", "qadri qolmay" tarzida o'zbekchalashtirish maqsadga muvofiq bo'lar edi.

M.Kenjabek tanlagan radif bundan-da muvaffaqiyatsiz chiqqan:

Bizning ko'rgan do'stlar ovvora qaytdi,
Bosh ko'targan erlar bechora qaytdi,
Yo'rg'a arab otlar, boq, xora qaytdi,
Qimmati ayrilib yomon falakdan [11:122].

"Tarjimada, ko'pincha, bitta so'zni topib o'rniga qo'yish bilan fikr oydinlashib ketadi. O'sha so'z topilmaguncha qidirish davom etaveradi. Ba'zan hatto tarjimonlarning bir necha avlodi almashib ketadi hamki, "kerakli" so'z topilmaydi. So'z *o'zining* kashfiyotchisini "kutaveradi" [7:177]. "Do'nmoq" so'zi haqida ham shunday deyish mumkin – aylanmoq, o'zgarmoq, o'xshamoq, qaytmoq ma'nosidagi bu qadim turkiy so'z hozirda o'zbek tilining arxaik qatlamini tashkil etadi. Holbuki, ba'zi turkiy tillar, jumladan, turkman tilida esa u hozir ham faol. Shunday ekan, J.Sharipov, A.Jumaev, M.Azim kabi tarjimonlar tomonidan "Do'nar" she'ri tarjimasida radif bo'lib kelgan mazkur so'zning tarjimaga aynan ko'chirilishi o'zini oqlamagan.

Ma'lum bo'ladiki, radifni to'g'ri aks ettirish she'riy tarjima muvaffaqiyatini ta'minlaydigan asosiy omillardan biri hisoblanadi. Tarjimada topib qo'llanilgan radif she'rning husnini ochib, jarangdorligini ta'minlasa, o'rniga tushmagan, noto'g'ri tanlangan radif she'rni badiiy jozibadan mahrum qilibgina qolmay, uning mazmunini ham xiralashtiradi, ba'zida hatto shoir ko'zda tutgan ma'noning xato yoki teskari talqin qilinishiga ham sabab bo'ladi. Bu esa radif tarjimasiga mas'uliyat bilan yondashish kerakligini taqozo qiladi. Bugina emas. "Radif Sharq she'riyatining uslubiy unsurlaridan biridir. Tarjimada bu poetik priyomni qayta aks ettirish muammolarini tadqiq qilish muallif uslubini saqlab qolish masalasini o'rganishning ajralmas qismi hisoblanadi... Muallif uslubi aks etmagan tarjimani to'laqonli tarjima hisoblash mumkin bo'lmaganidek, radifi umuman qayta yaratilmagan tarjima asarida muallif uslubi saqlangan, deyish ham qiyin" [3: 135-152].

## Adabiyotlar


1. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. –Toshkent: «O'zbekiston», 2017, 47-b.
2. Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари (Поэзия ва таржима). – Т.: «Ғ.Ғулом», 1979,211-б.
3. Исомиддинов З. "Алдоқчи сўзлар" билан баҳс // Таржима санъати. 5-китоб. 154-б.
4. Salomov G'. Tarjima nazariyasiga kirish. – T.: «O'qituvchi», 1978, 73–74-b.
5. Махтумкули. Танланган асарлар (Ж.Шарипов тарж.). – Т.: «Фан», 1958, 496-б.
6. Магтымгулы. Сайланан эсерлер. Ики томлук. 2-том. – Ашгабат: «Түркменистан», 1983.
7. Maxtumquli. Saylanma. (M.Kenjabek tarj.). –T.: «Fan», 2004, 256-b.
8. Maxtumquli. Bulbul nolasi (E.Ochilov tarjimasi). – T.: «Hilol-Nashr», 2014, 816-b.



**REZYUME.** Ushbu maqolada she'riy tarjimada janriy muammolarni tadqiq etish, xususan tarjimada radifni aks ettirish masalasiga asosiy e'tibor qaratildi. Maxtumquli she'riyati misolida mazkur muammo mazmuni misralar qatiga singdirib yuborilar ekan, she'riy tarjima amaliyotida oz bo'lsa-da, bu usul va uslublardan foydalanish, e'tirof etish tarjimonlar uchun maxsus debocha vazifasini o'tasa ajabmas.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье основное внимание уделено исследованию жанровых проблем поэтического перевода, в частности вопросу отражения Радиф в переводе. Неудивительно, что содержание этой проблемы на примере поэзии Махтумкули заложено в строках, хотя на практике поэтического перевода мало, использование и распознавание этих методов и приемов служит особой основой для переводчиков.

**SUMMARY.** This article focuses on the study of genre problems of poetic translation, in particular, on the reflection of radif in translation. It is not surprising that the content of this problem on the example of Makhtumkuli's poetry is embedded in the lines, although there is little poetic translation in practice, the use and recognition of these methods and techniques serves as a special foundation for translators.


# Т.ҚАЙЫПБЕРГЕНОВ ПОВЕСТЛЕРИНДЕ КӨРКЕМЛЕЎ ҚУРАЛЛАРЫНАН ПАЙДАЛАНЫЎ ШЕБЕРЛИГИ


**Қ.Ж.Сарсенбаев –** *таяныш докторант*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*



**Таянч сўзлар:** адабий тил, лексика, семантика, фразеологизм, ташбеҳлар, гипербола, синекдоха.
**Ключевые слова:** литературный язык, лексика, семантика, фразеология, аллюзия, гипербола, синекдоха.
**Key words:** literary language, lexicon, semantics, phraseology, allusion, hyperbole, synecdoche.


Президентимиз Ш.М.Мирзиёев «жасларымыздың еркин пикирлейтуғын, жоқары интеллектуал ҳәм мәнаўый потенциалға ие болып, дүня аренасында өз қатарларынан қайсы тараў болса да бос келмейтуғын инсанлар болып камалға ерисиўи, бахытлы болыўы ушын мәмлекетимиз ҳәм жәмиетимиздиң бар күш ҳәм имканиятларын толық әмелге асырамыз» [1:8] - деген пикир бизди руўхландырып миллий әдебиятымызды раўажланыўында өз үлесимизди қосыўымызға түртки болды.

Теңеў арқалы предмет ямаса қубылыс өз ара салыстырылып, олардың биреўин екиншисине теңлестириў арқалы анықланады, түсиндириледи. Теңеўлер көркем әдебиятта кең түрде қолланылады.

Предмет ямаса қубылыс ортасындағы уқсаслықты салыстыра отырып, жазыўшы көплеген теңеўлерди қолланған. Повестлерин изертлеў барысында –дай //-дей, -тай //-тей аффикси арқалы жасалған теңеўлер жазыўшының шеберлигин айқын көрсетип турады.

Жийиркенип, ***кирпидей*** жыйырылдым.(197-бет) Ол трибунаға көтерилген гезде ақ жаўлығын желкесине түсирип жиберди, бир жумақ ***пақтадай*** шашы шамал менен желкилдеп, қуяш нурына шағылсып, ***гүмистей*** жалт-жулт етип турады. (199-бет) Узатып салыўшылардың шоғы бузылған мәҳәлде, бир түптен көгерген қос ***шынардай*** бир-бирине ийинлесип узаққа көз жиберген қос ана менен хошластым. (200-бет) Баслары да ***дорбадай.*** Қайсы бирин айтайын, аўылдың адамларында дақыл көп. Тары, мәш, гүнжи қай жерде болса, сол жерде адам бойы. Пахта атызларыда ***енапаттай.*** Бирақ еле олар толық писпей атыр. Гөреклери ***түймедей*** болып, аўзын ашайын-ашайын деп тур. Базда гөреклерин қолыма услап көрип: "***ашыўланған адамның аўзындай*** тобарсып турасаң да, бирден күлип жибересең-аў" деймен.(4-бет) ***Аяқларыма батпан тас байлап қойғандай*** орнынан зорға қозғалады. (10-бет) Меңлимурат ағаның көрсеткен орынларына қойып, бурынғыдай жерде отырмастан ***сымға қонақлаған қарлығашлардай*** болып дизилисип, бизлер де скамейкаларға отырдық. (20-бет)

Келтирилген мысаллардағы теңеўлердиң бәршесиде **-дай // -дей, -тай // -тей** қосымталарының қосылыўы арқалы жасалрған. Биринши мысалдағы қаҳарманымыз басына тамған суўық тамшы денесине жағымсыз тийип, ***кирпидей*** болып жыйылғанын сүўретлейди. Бизге мәлим кирпи өзин қорғаў мақсетинде тикенлериниң арасына жыйрылып кирип алады. Кейинги мысалларда ***пахтадай, гүмистей, шынардай, дорбадай, енапаттай*** ҳәм ***түймедей*** теңеўлери қандайда бир буйымның сыртқы көрнисин, келбетин екинши бир нәрсеге салыстырып көрсеткениниң гүўасы боламыз. Трибунаға шыққан Бийбизада кемпирдиң шашлары ***пахтадай*** ақ екенлигин, шашларының қуяштың нуры менен ***гүмистей*** болып жалт-жулт етип турғанын көрсеткен. Баласын әскерликке жиберип атырған Бийбизада кемпир менен Гүлжанды ***қос шынарға*** теңеўи, жазыўшы ҳаялларды бийкарға ***шынарға*** теңемеген, өйткени еки қаҳарманымыздың да басынан аўыр тәўдирлер өтти. Еки ҳаялды қыйыншылықларға мәртлерше турып, беккем ***шынардай*** шыдам береди. Жүўерилердиң басындағы жемислериннниң көлемин көрсетиў ушын ***дорбаға*** теңейди яғний үлкенлигин көрсетеди, пахта атызларының кеңлигин болса ***енапаттай*** келбетлик сөзи менен көрсетеди. Гөреклердиң көлемин болса ***түймеге*** теңеп көрсетеди.

***Ашыўланған адамның аўзындай, аяқларыма батпан тас байлап қойғандай, сымға қонақлаған қарлығашлардай*** теңеўлери болса ис ҳәрекет арқалы екинши бир ис-ҳәрекет салтырып, теңлестирип сүўретленген. Бул мысаллар арқалы биздиң қыялымызға ис-ҳәрекет сүўретленеди. Мысалы, ашыўланған адамның аўзындай болып турған пахта гөреклери, аяқларына батпан тас байлап қойылған тутқындағы инсанлар киби жүрип муғаллимниң алдында турған Турдымурат, сымға қатарланып қонып турған ғарғалар сыяқлы ағаш стулда муғаллимниң алдында дизилип отырған балалар.

Сом полаттай жумыры – қара билеклерин, арыстай балтырларын жүн басқан. Әййемги египет скулптураларына ***мегзес*** бир жигит. (197-бет) Бармақлары полат ***сыяқлы,*** арқамды мочалка менен емес, муштай тас пенен ысып атырғандай, зорға шыдадым. (197-бет)

Келтирилген мысаллардағы теңеўлер мегзес, сыяқлы сөзлери арқалы жасалған. Биринши мысалда, Камалды әййемги египет скулптураларына **мегзеткен** болса, Екинши мысалда оның билегиндеги күшин, қолын **полаттай беккем** қылып көрсетеди.

Метафора грек тилиниң «metaphora» деген сөзинен алынған болып, «көшириў» деген мәнини аңлатады [4:63]. Метафора уқсаслы аўыспалы мәниде қолланылған сөз болып есапланады. Ол зат – ҳәдиселер